

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ СУҒУРТА БОЗОРИ: ТАҲЛИЛ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Султонов Р.Ю.

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз суғурта бозори таҳлили ва улар бўйича қисқача хулосалар билдирилган. Шунингдек, миллий суғурта хизматлар бозорини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суғурта, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, суғурта бозори, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, суғурта агенти, суғурта маҳсулотлари, сотиш технологияси.

1. Кириш.

Суғурта бозорининг аҳамияти бозор иқтисодиёти ривожланиб боргани сари ортиб боради. Чунки, мулкчилик шаклининг кўпайиши, хусусий мулкдорларнинг ортиши, кўп корхона ва ташкилотларнинг давлат тасарруфидан чиқарилганидан сўнг, бу корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш уларнинг янги эгалари зиммаларига ўтади. Бундай шароитда уларда ўз молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш, мол-мулкларини турли хилдаги табиий офатлардан асраши ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган жуда кўп рисклардан ҳимояланиш учун суғурта хизматларига кучли эҳтиёж сезилади.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг суғурта тизимини ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилиб, суғурта соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилди. Миллий суғурта бозорини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган 2002 йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 21 февралдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси” каби асосий қонунларларни ҳамда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонларини мисол қилишимиз мумкин.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли қарори ҳам миллий суғурта бозорини барча йўналишларини ривожлантириш механизмларини белгилаб берди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Китайгородский (2012) фикрига кўра, иқтисодиёт ривожланишининг замонавий шарт-шароитларида суғурта, айниқса, тез ривожланадиган тармоқ ҳисобланади. Ушбу турдаги хизматларнинг ривожланиши, кенг қамровдаги суғурта ҳимоясига эҳтиёжи бўлган хўжаликнинг нодавлат секторини ривожланиши билан боғлиқ. Суғуртанинг вазифаси узлуксизликни, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тўхтовсизлигини ва мувозанатини таъминлаш, шу жумладан, зарарларни тўлиқ ва ўз вақтида қоплаш ҳисобига, жамиятда ижтимоий ва иқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда суғурта ташкилотларидаги бўш маблағларни ташкилотнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш ҳисобланади.

Скамай (2014) замонавий иқтисодиёт шароитида суғурта иқтисодиётнинг стратегик сектори ҳисобланади, шунга кўра, у мулкдорларга уларнинг мол-мулкларига зарар етганда ёки нобуд бўлганда, зарарларни қоплаш ҳисобига уларнинг ижтимоий-иқтисодий мувозанатини таъминлайди.

Халикулова (2017) ўзининг илмий мақоласида, бозор иқтисодиёти шароитида шаклланган даврни босиб ўтган замонавий суғурта хизматлари бозори мамлакатнинг

ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган кучли молиявий воситага айланиш учун барча имкониятларга эга эканлигини билдирган.

Якубова (2018) тадқиқотига кўра, суғурта бозори ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосий сегменти ҳисобланади, айти вақтда, бевосита унинг равнақига ҳам хизмат қилади. Шу билан биргаликда қайд этиш лозимки, суғурта фаолияти ўзига хос тарзда шаклланган ва кенг қўлланилаётган ижтимоий ҳодиса бўлиб, барқарорлик омили саналади. Мамлакат суғурта бозори ривожини прогнозлаш ўз навбатида, бизнес субъектлари ва аҳоли манфаатлари ҳимоясини кафолатли даражада таъминлаш институти сифатида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқарди.

Ахмедова (2019) ўзининг илмий тадқиқотида, суғурта ташкилотлари мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган кучли молиявий воситаси эканлигини билдирган. Ривожланган мамлакатларда суғурта жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига, корхона фаолиятининг муваффақияти, иқтисодий барқарорлик ва моддий фаровонликни қўллаб-қувватловчи мураккаб тизимни ифодалайди. Дунё тажрибасини ўрганиш аҳолининг энг катта ҳимоя даражасини ижтимоий рискларни суғурталаш тизимида давлат ва хусусий ташкилотлар, тижорат ва нотижорат ташкилотлар мавжудлигини кўрсатди.

3. Тадқиқот методология.

Тадқиқот ишида белгиланган тадқиқот вазифаларини ҳал этиш учун тасвирий статистика, солиштирма таҳлил, корреляцион ва регрессион таҳлил, SWOT-таҳлил ва бошқа усуллар қўлланилган.

Умуман олганда, юқорида келтириб ўтилган тадқиқот усулларининг қўлланиши тадқиқот ишини мазмуни ва сифатини ошишига ҳамда мавзу доирасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018 йил якунлари бўйича суғурта бозорида 30 та суғурта компанияси фаолият юритган. Улардан 6 таси ҳаётни суғурта қилиш соҳасида, қолган 24 таси умумий суғурта соҳасида фаолият олиб борган. Бундан ташқари 4 та суғурта брокери, ассистанс, аджастер ва сюрвейерлар эса 24 тани ҳамда актуарийлар йиллар давомида суғурта мукофотлари ўсканлигини кўришиши 4 тани ташкил этган (1-расм). Суғурта агентлари 8700 тани ташкил этган.




1-расм. Суғурта мукофотлари ҳажмини ўсиш динамикаси (млрд. сўм)

Манба: Ўзб. Рес. Молия вазирлигининг mf.uz сайти.

Юқоридаги маълумотларни кўрадиган бўлсак, 2014 йилда Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта компаниялар томонидан томонидан 439,1 млрд. сўм суғурта мукофоти туширилган. 2015 йилда 117% ўсишга эришиб, 515,7 млрд. сўм суғурта мукофоти туширилган. 2016 йилда эса, олдинги йилга нисбатан 134% ўсишга эришилган. Туширилган суғурта мукофотлари эса 692,6 млрд. сўм ташкил этган. Демак, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан, яхши натижага эришилган. 2017 йилда олдинги 2016 йилга нисбатан 134% ўсишга эришилиб, 927,4 млрд. сўм суғурта мукофоти туширилган. 2018 йилда эса 176% ўсишга эришилган бўлиб, 1635,2 млрд. сўм миқдориди суғурта мукофоти туширишга эришилган. Умумий 5 йил бўйича хулоса қиладиган бўлсак, суғурта мукофотлари тушириш ҳар йили ўсиш кўрсаткичларда бўлган. 5 йил давомида


яъни, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 372,4% ўсишга эришилган. Бир вақтнинг ўзида суғурта қопламалари ҳажми (2-расм) ўсиш тенденциясига эга.



2-расм. Суғурта қопламалари ҳажмини ўсиш динамикаси (млрд. сўм).
Манба: Ўзб. Рес. Молия вазирлигининг mf.uz сайти.


Суғурта қопламалари суғурта компанияларининг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Чунки, суғурта хизматини кўрсатишдан асосий мақсад ҳам юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг мулкӣ манфаатларига зиён етганда уларнинг зарарларини қоплаб бериш ҳисобланади. Миллий суғурта бозоримиздаги суғурта компанияларининг 2014-2018 йиллардаги жами амалга оширган суғурта қопламаларини кўрадиган бўлсак, 2014 йилда 74,6 млрд. сўм миқдорда суғурта қопламалари амалга оширилган. 2016 йилга келиб эса олдинги йилга нисбатан 118% га ошган ва 130,5 млрд. сўмни ташкил қилган. 2017-2018 йилларда суғурта қопламалари миқдорини ошганлигини кўришимиз мумкин. 2018 йилда суғурта қопламалари миқдори яна кескин ошган ва 460,8 млрд. сўмни ташкил этган. Охириги 5 йилдаги тўланган суғурта қопламалари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, 2014-2016 йилларда камроқ миқдорда суғурта қопламалари тўланган. 2017-2018 йилларда эса тўланган суғурта қопламалари миқдори анча миқдорда ошган.

2014 йилда давлат иштирокидаги суғурта компанияларнинг бозордаги улуши 42,3%, нодавлат суғурта компанияларнинг бозордаги улуши эса, 57,7%ни ташкил этган. 2016 йилга келиб, давлат иштирокидаги суғурта компанияларнинг бозордаги улуши 46,5%, нодавлат суғурта компанияларнинг бозордаги улуши эса, 53,5%ни ташкил этган. 2018 йилга келиб эса, давлат иштирокидаги суғурта компанияларнинг бозордаги улуши 28,4%, нодавлат суғурта компанияларнинг бозордаги улуши эса, 71,6% ни ташкил этган. Хулоса қиладиган бўлсак, нодавлат суғурта компанияларнинг суғурта бозордаги улуши йилдан –йилга ўсиб бормоқда (3-расм).



3-расм. Суғурта бозордаги давлат иштирокидаги ва нодавлат суғурта компанияларининг бозордаги улуши ўзгариши динамикаси.
Манба: Ўзб. Рес. Молия вазирлигининг mf.uz сайти.

2017 йили суғурта компанияларнинг устав капиталлари умумий миқдори 321,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2018 йил 1 июлдан эътиборан суғурталовчиларнинг устав капиталларининг минимал миқдорлари оширилди. Ушбу талаб бўйича суғурта компаниялари ўз устав капиталлари миқдорини оширишди ва 2018 йилда барча суғурта компанияларининг устав капиталлари миқдори 543 млрд. га етди.



4-расм. Суғурталовчиларни инвестициялари хажми ўсиш динамикаси.

Манба: Ўзб. Рес. Молия вазирлигининг mf.uz сайти.

Суғурта компанияларининг мамлакат иқтисодиётини ривожланишида кўшадиган асосий кўрсаткичларидан яна бири бу уларнинг инвестициялари миқдори кўрсаткичидир. Уларнинг қанчалик кўпайиб бориши, иқтисодиётга шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Суғурталовчиларни инвестициялари хажми 2014 йилда 623,7 млрд. сўмни ташкил қилган. 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,14% га ўсиб, 867,5 млрд. сўмга етган. 2017 йилда суғурталовчиларни инвестициялари хажми юқори кўрсаткич билан ўсишга эришганини кўришимиз мумкин. Йил давомида 171% га ўсган ва 1482,5 млрд. сўмга етган. 2018 йилда ҳам ўсишда давом этган яъни, 135% га ўсиб, 2010,7 млрд. сўмга етган. Хулоса қиладиган бўлсак, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан, 3,2 баробарга ўсган. Буни ижобий баҳолаш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз суғурта бозори йилдан йилга ижобий кўрсаткичларга эришиб бормоқда. Лекин, шу билан бир қаторда суғурта соҳасида кўплаб камчиликлар ва муаммолар мавжуд. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: суғурта тизими қонунчилик ҳужжатлари асосида етарлича тартибга солинмаётганлиги, суғурта компанияларида етакчи раҳбар кадрлар ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, унинг оқибатида ички имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмаслиги, суғурта компаниялари томонидан мавжуд миқдорларга етарлича сифатли суғурта хизматларини кўрсатилмаётганлиги, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага бўлган ишончининг пастлиги, суғурта компаниялари ҳали аҳоли билан ишлашга тўлиқ киришиб бормаётганлиги, суғурта маҳсулотларининг нархини оммабоп эмаслиги каби кўплаб муаммоларни келтириш мумкин.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги таклифларни билдирилади:

1. Суғурта соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини кучайтириш. Авваламбор, ҳар бир компания ичида кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини жорий қилиш ва уни доимий равишда кучайтириб бориш керак. Компания ходимларини ва суғурта агентларини суғурта полисларини сотиш технологияси бўйича кўпроқ ўқитиш керак. Бунга компания ичидан ҳар томонлама билимли, тажрибали раҳбар кадрлардан масъул қилиш керак. Агар биз авваламбор, шу соҳадаги кадрлар муаммосини ҳал қиладиган бўлсак, бошқа муаммолар ўз-ўзидан ижобий ҳал бўлиб кетади. Чунки, ҳозирги барча бизни қийнаётган муаммоларга ҳам соҳада назарий ва амалий билимга эга бўлган малакали, етук раҳбар кадрларни ва мутахассисларнинг камлиги сабаб бўлмоқда.

2. Худудларда суғурта тизимини ривожлантириш учун ҳар бир вилоят, туман ҳокимлари ўринбосарларидан бирининг лавозим мажбуриятларига, шу ҳудудда суғуртани ривожлантириш вазифасини ҳам юклаш керак. Чунки, ҳудуд аҳолиси қанчалик кўп суғурта хизматидан фойдаланиб борса, шунчалик унинг турмуш даражаси фаровон бўлиб боришига эришади. Меҳнат қилиб топаётган даромадини ҳам, тасодиқий тарзда юз берган ҳодисалар натижасида оила аъзоларига, мол-мулки ва транспортига етган зарарларни қоплашга эмас, аксинча, оилани моддий фаровонлигини ошириш йўлида сарфлайди. Ҳаёт суғурта тармоғини ҳам ҳудудда ривожлантириладиган бўлса, аҳоли қўлидаги бўш маблағлар суғурта компанияларида йиғилади ва иқтисодиёт учун инвестиция манбалари шаклланади. Мисол учун, ҳозирги кунда ҳудудларда

туризм, инвестициялар бўйича масъул ҳоким ўринбосарлари мавжуд. Шунга ўхшаб, ҳудудларда суғуртани ривожланишига ҳам масъул шахслар бўлиши керак. Шунда ҳокимият вакиллари суғурта компаниялари ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

3. Суғурта назарияси ва амалиётига оид китобларни сонини, айниқса, ўзбек тилида чоп этилган китоблар сонини кўпайтирган ҳолда суғурта соҳасидаги ходимлар ва талабаларнинг билимини оширишга эришиш.

Адабиётлар:

Ахмедова М. (2019) "Суғурта – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кучли молиявий восита". "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил.

Китайгородский П. (2012) "Суғурта" ўқув қўлланма. 5-бет

Скамай Л. Г. (2014) "Суғурта иши" ўқув қўлланма. 3-бет.

Халикулова Г.Т.(2017) – ТМИ, катта ўқитувчи "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил.

Якубова Н.Т. "Дунё суғурта бозорининг ривожланиши анъаналари ва истиқболи" "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил.